ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ХУЗУРИДАГИ СОЛИК, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

433 Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш буйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш хақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2023-2

(2010 йил 29 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўгрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўгрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда) ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўгрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-

ки Бошқаруви ва Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қиладилар:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 23/6-сонли ва 32-сонли қарори (руйхат рақами 2023, 2009 йил 23 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2009 й., 44-сон, 472-модда) билан тасдиқланган «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш буйича ички назорат қоидалари»га иловага мувофиқ узгартириш ва қушимчалар киритилсин.
- 2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатидан утказилган кундан бошлаб ун кун утгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш., 2010 йил 23 октябрь, 34/17-сон

Бош прокуратура хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи

3. ДЎСАНОВ

Тошкент ш., 2010 йил 2 ноябрь, 29-сон Узбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил
23 октябрдаги 34/17-сон ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга ҳарши курашиш департаментининг 2010 йил 2 ноябрдаги 29-сон ҳарорига
ИЛОВА

Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш буйича ички назорат қоидаларига киритиладиган ўзгартириш ва қушимчалар

- 1. 22-банднинг «б» хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «б) бир марталик операциялар амалга оширилган қуйидаги холларда: энг кам иш хақи миқдорининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ошган

энг кам иш хақи микдорининг 1000 оараварита тенг еки ундан оштан суммада жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютаси ва (ёки) йўл чеклари сотилишида;

энг кам иш хақи миқдорининг 100 бараварига тенг ёки ундан ошган суммада жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини майдаланишида, алмаштирилишида ва (ёки) конверсияланишида;

энг кам иш ҳақи миқдорининг 100 бараварига тенг ёки ундан ошган суммада мижозлардан нақд чет эл валютаси ва (ёки) йул чекларини экспертиза учун қабул қилинишида;

мижозлар томонидан пластик карточкалар буйича накд хорижий валюта олинишида;

жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини ва (ёки) чет эл банклари ва молия институтлари томонидан чиқарилган йул чекларини сотиб олинишида;

банк ҳисобварағини очмасдан ёки ҳисобварақдан фойдаланмасдан, пул ўтказмаларини амалга оширишда ёки қабул қилишда (коммунал ва алоқа ҳизмати, бюджет, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бундан мустасно);».

- 2. 24-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:
- «Олинган ахборотларнинг (хужжатларнинг) ишончлилигига шубхалар мавжуд бўлса, тижорат банклари ушбу ахборотларни (хужжатларни) текшириш (верификациялаш) бўйича чораларни кўришлари лозим. Бундай холатларда, тижорат банклари мижозлар хакидаги ахборотларнинг (хужжатларнинг) ишончлилигини (хакикийлигини) аниклаштириш учун тегишли ташкилотларга мурожаат килишга ҳакли».
 - 3. 25-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тулдирилсин: «Мижоз банкка келмаган холда операцияни амалга ошириш имконини берувчи дастурлар ёрдамида шубхали операциялар ўтказиш хақидаги гумонлар мавжуд бўлганда, тижорат банки тегишли дастурдан фойдаланган холда хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузилган, жумладан, бевосита банк хизмат кўрсатиш шартномасида кўрсатилган ва лозим даражада текширилган шахслар томонидан операциялар амалга оширилаётганлигини мижознинг юридик манзили бўйича ўрганиш хукукига эга.

Юқоридагиларни ўрганиш жараёнида, тижорат банки мижоз томонидан Ўзбекистон Республикасида накд пулсиз ҳисоб-китоблар тўгрисидаги низом (рўйхат рақами 1122, 2002 йил 15 апрель, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил 7-сон) талабларига риоя қилинишини, ҳусусан пул ҳисобкитоб ҳужжатларининг расмийлаштирилиши, ваколатли шахслар (раҳбари, бош ҳисобчиси) томонидан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг имзоланиб тасдиқланиши, ушбу ҳужжатлар бўйича ўтказмалар айнан электрон имзолаш ҳуқуқи мавжуд бўлган шахс томонидан электрон имзолаш орқали тасдиқланган ҳолда амалга оширилишига, мазкур ҳужжатларнинг сақланишига алоҳида эътибор қаратиши лозим»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб хисоблансин.

- 4. 38-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «38. Мижозни лозим даражада текширишни амалга оширишнинг имкони мавжуд булмаган такдирда тижорат банки Департаментга хабар бериш масаласини куриб чикиши ва иш муносабатларига киришишни ёки бундай мижознинг пул маблаглари ёки бошқа мол-мулк билан боглик операцияларини амалга оширишни рад этишга ёхуд у билан ҳар қандай иш муносабатларини тухтатишга мажбур.

Норезидент — банк томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш буйича халқаро стандартлар талаблари бузилиши ҳолатлари ҳақида ахборот мавжуд булган тақдирда, тижорат банки бошқаруви ушбу вакил банк билан ҳамкорликни туҳтатишгача буҳлган тегишли чоралар куҳриш туҳғрисидаги масалани куҳриб чиҳиши керак».

- 5. 44-банд куйидаги мазмундаги «з» кичик банд билан тулдирилсин:
- «з) мижознинг шахсан иштирокисиз операцияни амалга ошириш имконини берувчи дастурий комплекслардан фойдаланувчи мижозлар»;
 - «з» кичик банд «и» кичик банд деб хисоблансин.
 - 6. 51-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «51. Ички назорат хизмати ходимлари мижоз ва операция хакидаги маълумотларни ўрганади, тегишли маълумотларни Ички назорат хизматининг махсус журналида ва мижоз сўровномасида қайд этади, шунингдек, уларни Ички назорат хизмати рахбарига юборади».
 - 7. 67-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «67. Сўровномалар махсус дастурлар ёрдамида барча мижозлар бўйича электрон шаклда тўлдирилади. Шубхали операцияларни амалга оширувчи

433, 436-моддалар — 22 — 47 (443)-сон

ва юкори даражадаги хатар тоифасига киритилган мижозлар буйича суровномалар когоз шаклида хам тулдирилган мижоз суровномаси когоз шаклила чика-

Электрон шаклда тўлдирилган мижоз сўровномаси қоғоз шаклида чиқарилганда тижорат банкининг бош бухгалтери ёки у бўлмаган такдирда, унинг муовини ёхуд масъул ходим томонидан тасдиқланади».